

## Маънавият: Миллий юксалишнинг мустаҳкам пойдевори

Вилоят ҳокими Зойир Мирзаев 1-25 май кунлари умумтаълим муассасаларида "Фарзандим учун битта китоб" лойиҳасини амалга ошириш ташаббусини илгари сурди. Унга кўра, шу муддат давомида энг кўп китоб йиғилган 1-ўриндаги 5 та мактабга вилоят ҳокимлиги томонидан 200 миллион сўм, 2-ўриндаги 5 та мактаб учун эса ҳомилар томонидан пул мукофотлари берилди. Бу ҳақда вилоят Маънавият ва маърифат кенгашининг навбатдаги йиғилишида айтиб ўтилди.



Кун тартиби



Йиғилишда вилоят ҳокими, вилоят Маънавият ва маърифат кенгаши раиси Зойир Мирзаев, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси шўба мудири Абдуҳалил Маврулов, Республика Маънавият ва маърифат маркази раҳбари Отабек Ҳасанов, кенгаш аъзолари, вилоятдаги давлат ва жамоат ташкилотлари масъуллари иштирок этди. Видеоконференц-алоқа шаклида ўтган йиғилишда худудий студиялардан туман ва шаҳар ҳокимлари, ташкилотлар раҳбарлари ҳам қатнашиб, вилоятда маънавий-маърифий соҳада амалга оширилаётган ишлар атрофича таҳлил қилинди.



### Вилоят бўйлаб

**ОҲАНГАРОН** шаҳридаги маҳалларда ёшлар ётақчилари ташаббуси билан "Ёш мусавир" танлови ўтказилди. Танлов 14-30 ёш тоифасида бўлган ёшлар ўртасида кечди. "Менинг обод маҳаллам", "Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили" ва "Беш ташаббус олимпиадаси" мавзусидаги ижодий ишлар баҳоланиб, вилоят босқичига йўлланмалар берилди.

**ЎРТА ЧИРЧИҚ** тумани "Уйғур" маҳалласида яшовчи Дариха Эргашева ва турмуш ўртоғи 2021 йилда "Темир дафтар"га киритилганди. Шундан сўнг, уларга имтиёзли асосда 5 сотихлик иссиқхона қуриб берилди. Ҳозирда иссиқхонада қовоқча гуллаб, ҳосилга кирган.

**БЕКБОД** тумани ҳокими ўринбосари Б.Исомутдинов тумандаги "Green agro food" корхонасида бўлиб, олиб борилаётган ишлар билан танишди. Корхонада етиштирилаётган айсберг ва пекинча қарами йил бошидан бугунги кунгача Россия давлатига 500 минг АҚШ доллари миқдорига экспорт қилинди.

**ҚҮЙ ЧИРЧИҚ** тумани "Миробод" маҳалласида яшовчи Х. Мўминова хонадонидан 8 қути ипак қуртин парваришлаб, мўл ҳосил олиш учун кеча-кундуз меҳнат қилмоқда.

**ЗАНГИОТА** тумани "Ойбек" маҳалласида "Бўш иш ўринлари" меҳнат ярмаркаси ўтказилди. Тадбир давомида 2-сектор ҳудудида жойлашган корхона, ташкилот ва муассасалар бўш иш ўринлари билан иштирок этди. Ярмарка натижасига кўра, 6 нафар ўғил-қиз ишга жойлашиб, 8 нафари касбга қайта ўқитишга йўналтирилди, 13 нафар фуқарога эса ҳуқуқий маслаҳатлар берилди.

Ҳар қандай жамият ва давлат тараққиётининг кафолати, юртнинг жадал ривожланиши, муайян ютуқларга эришиши, халқнинг фаровон бўлиши ўша давлатда ёшлар таълим-тарбияси ва келажагига бериладиган эътибор даражасига боғлиқ.

## "Маърифат улашиб" лойиҳаси Нурафшонда



Шу маънода, Ўзбекистонда ёшлар масаласида давлат сиёсатининг энг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Умуман, ёшларнинг таълим олиши, касб-ҳунар эгаллаши, етук инсонлар бўлиб улғайиши йўлида замонавий, илгор-инновацион шарт-шароитларни яратиб бериш учун Ўзбекистон бор куч ва имкониятларини ишга солмоқда. Чунки ёш авлодни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга эътибор қанча кучайтирилса, унинг самараси ҳам шунча юқори бўлади.

### Бир маҳалла – бир маҳсулот

## "Ҳаёт – тандир инсон нондир"

Ая қараса кечқурун қориб қўйган хамири тоғорадан ошиб-тошиб кетибди. Дарров ишга киришди. Зум ўтмай зувалалар тайёр бўлди. Ая уларнинг устига дастурхон ташлаб, тандирхона сари йўл олди.

Маҳбуба ая Холиқулова, мана 40 йилдири, эрта тонгда тандирга ўтин қалаб, бўрсилдоқ нонлар ёпади. Бу иш унга алоҳида завқ бағишлайди. У охиригича нонини тандирдан узганида оила аъзолари бирин-кетин ётоқхоналаридан чиқиб кела бошлашади. Маҳбуба ая нонуштага турмуш ўртоғи ва фарзандларига иссиқ нон билан қаймоқ тартади. Хонадон дастурхонидан табиий сарғу қатик дейсизми, чаккию қуртоба аримайди. Келинлари ёнига кириб, набиралари катта бўлиб қолганига қарамасдан Маҳбуба ая бу одатини ҳечам қанда қилмаган.

Маҳбуба ая одатдагидек тонг ҳали оқармасидан ёстиқдан бош кўтариб, ҳовлига тушди. Қушларнинг чуғури авжида эди. Бу аяга: "Тонг отди, уйқудан бош кўтаринглар, эрталабки ишлар унумли бўлади, уйингизга барака кирди", деяётгандек туюлар ва бу чуғур-чуғур унга мусиқий оҳангдек хуш ёқарди.



## Чорвоққа мавсумий автобус қатнови бошланди



### Қулайлик

Вилоятимизга ташриф буюрувчи хорижий ва маҳаллий сайёҳларга қўшимча қулайликлар яратиш мақсадида пойтахтдан Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманига («Чорвоқ» эркин туристик зонасига) график асосида қатновчи мавсумий автобуслар ҳаракати йўлга қўйилди.

Автобуслар «Машинасозлар» метро бекатидан соат 8:00 ва 18:00 да жўнайди. Чорвоқдан (Хумсон) эса 6:00 ва 16:00 да ҳаракатланади. Йўлқира нархи 20 000 сўм этиб белгиланган.

## Шаффоф тизим – келажакка ишончли қадам

### Жараён

Шу кунларда Педагогик маҳорат ва халқаро баҳолаш илмий-амалий марказида Тошкент шаҳри ва вилоятидаги таълим муассасалари педагогларни аттестация синовларини топширишмоқда.



Синовлар Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 17 сентябрдаги "Мактабгача, умум ўрта, ўрта махсус, профессионал ва мактабдан ташқари таълим ташкилотлари педагог кадрларини аттестациядан ўтказиш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ жорий йилнинг апрел-май ойларида ўтказилиши белгиланган.

Бугунги кунда аттестацияда иштирок этиш учун Тошкент вилоятидан 13 минг 343 нафардан зиёд педагог онлайн ариза топширган бўлиб, уларнинг 13 минг 300 нафардан ортиги аттестацияда иштирок этиши кутилмоқда.

(Давоми 2-саҳифада)





# Маънавият: МИЛЛИЙ ЮКСАЛИШНИНГ МУСТАҲКАМ ПОЙДЕВОРИ

Қайд этилганидек, охириги йилларда вилоятда ижтимоий-маънавий муҳитни яхшилаш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилди. Жумладан, барча ҳудудларда Маънавият ва маърифат масканлари фойдаланишга топширилди. 531 та маҳалла биносига кутубхоналар ташкил этилиб, маҳаллий ҳокимликлар ҳамда ҳомийлар ҳисобидан 105 мингдан ортиқ китоблар ҳадя қилинди.

1,2 миллиард сўмга харид қилинган 74 минг 357 та бадий адабиёт билан боғлиқ. Бундан ташқари, "Қаддон мактабимга китоб совға қиламан" акцияси доирасида 10 мингдан ортиқ китоблар таълим муассасаларига совға қилинди. Йилги давомда "Кутубхона ҳамма учун очил" лойиҳаси доирасида мактаблар кутубхоналари ёзги таътилда ҳам фаолиятини давом эттириши айтиб ўтилди. Кутубхоначилар учун шу давр мобайнида қўшимча 3 миллион сўм миқдорда ойлик маош белгиланади. Ижтимоий ҳимояга муҳтож, энг кам иш ҳақи олиб ишлайдиган ҳайдовчи ва

фаррошларнинг фарзандлари, ота-онаси озодликдан маҳрум бўлган болаларнинг ёзги оромгоҳларда дам олиши чоралари кўрилади. Шунингдек, йилги давомда республика ишчи гуруҳи томонидан 22-26 апрель кунлари вилоятда ўтказилган ўрганиш натижалари танқидий муҳокама қилинди. Унга кўра, вилоят "Сувтаъминот" МЧЖ, "Худудий электр тармоқлари" АЖ Тошкент вилояти ҳудудий филиалларида маънавий-маърифий ишлар ҳолати қониқарсиз эканлиги танқид қилинди. Республика Маънавият ва маърифат марказининг Бекобод ва Қўйраб туман бўлинмалари



Раҳбарларига ҳайфсан берилди. Яқунда муҳокама қилинган масалалар юзасидан алоҳида чора-тадбирлар

дастури ишлаб чиқилиб, ижрога йўналтирилиши бўйича қарор қабул қилинди.

Ўз мухбиримиз

# Шаффоф ТИЗИМ – келажакка ишончли қадам

Маълумот учун, Тошкент вилоятидаги умумтаълим мактабларида жами 36 минг 945 нафар педагог фаолият юритмоқда. Уларнинг 3 минг 41 нафари олий, 6 минг 576 нафари биринчи, 9 минг 401 нафари иккинчи малака тоифали, 11 минг 2 нафари мутахассис лавозимига эга, 6 минг 925 нафари эса тоифасиз ўқитувчилардир (ўрта-маҳсус маълумотли).



2024 йил 1 январдан бошлаб тизим ўқитувчиларига тоифа бериш жараёни бевосита Мактабга ва мактаб таълими вазирилик томонидан амалга ошириб келинмоқда. Бунда педагоглари аттестациядан ўтказиш учун вазирилик томонидан янги тизим яратилди ҳамда малака тоифасини бериш амалиёти такомиллаштирилди. Бу синов икки босқичда амалга оширилади: Биринчи босқичда – педагогнинг мутахассислик фани ва касб стандарти бўйича билим даражаси баҳоланади. Бунда мутахассислик фани бўйича 35 та ва касбий стандартларга оид 5 та тест саволлари берилди.

Иккинчи босқичда – педагогик маҳоратни аниқлаш мақсадида 10 та савол-топшириқ берилди. Ҳар иккала босқич ҳам компьютерда реал вақт режимида (онлайн) ўтказилади. Натжида инсон омили аралашувига барҳам берилди. – Аттестация имтиҳонида 88 балл тўплаб, олий тоифа олдим, – дейди Янгийул туманидаги 53-мактабнинг математика фани ўқитувчиси Музаффар Амантурдиев. – Жараёнлар ўтган йилларга нисбатан анча шаффоф. Энг катта ўзгариш инсон омилининг йўқлиги. Тест синовлари тўлиқ компьютерда бажарилмоқда. Саволлар базаси ҳам янги. Ўз устида ишлаган ўқитувчи бемалол юқори балл тўплай олади. Эътиборлиси, янги аттестация тизими малакали ўқитувчилар сонининг ортиси ва мамлакатимизда таълим сифатининг янада ошишига хизмат қилади. **Зиқрилла МАМАТОВ,** "Тошкент ҳақиқати" мухбири

– Дадам ҳаёт – тандирга, инсон эса нонга ўхшайди, дердилар, – дейди Маҳбуба ая бизга иссиқ нон узатаркан. – Ҳаётнинг иссиғига, чўғига чидасанг, пишасан, кўпчиликнинг кўзига яхши кўринасан. Чидамасанг, тандирнинг тафтига дош беролмай тушиб кетган нон каби кулга беланасан ва ҳеч кимга керакинч бўлмай қолади. Отамнинг ўғит-

# "Ҳаёт – тандир инсон нондир"

ларига амал қилиб кам бўлмади. Умрим меҳнат билан ўтди, бунга ачинмайман, сабаби ҳозир бунинг роҳатини кўраман. Қарамонимиз Чиноз туманининг "Бирлик" маҳалласида яшайди. Маҳалланинг қайси онахонини учратманг, бундан ташқари кўрмайсиз. Умри меҳнат ичида ўтган онахонлар келин тушириб ҳам "оёғини бемалол чўзиб" ўтиришмайди, одатига нон ёпади, кези келса сиғир соғайди, таом тайёрлайди, хуллас, келинларнинг ёнида туриб уларга ёрдамлашайди, билмаганларини ўргатади. Томорқачиликда ҳам уларнинг олдига тушадигани йўқ, фарзандларига, келинларига томорқанинг яхшигина даромад манбаи эканини ўргатишдан чарчашмайди, тажрибаларини ўргатишдан эринишмайди. Шу боисдан ҳам маъмур маҳаллада бугун нафақат вилоятга, балки бутун республикага танилди. Сабаби маҳаллада сўнгги икки йилда томорқачиликда ўзига ҳос тажриба мактаби яратилди. Бугунги кунда ҳудудда "Бир маҳалла – бир маҳсулот" тамойили асосида ишлар авжида.

Олим аканинг сўзларига кўра, маҳалла қошида очилган ерни тайёрлаш, уруғ тарқатиш ва тайёр маҳсулотни экспорт қилувчи томорқа хизматлари иш самарадорлигини оширишга хизмат қилди. Сабаби, маҳалладаги ҳар бир хонадон айлан бир маҳсулотнинг бир хил навидан экеди. Бу эса экспорт қилиш учун қўлайдир. Томорқа хизматлари томонидан ер тайёрланади, сифатли уруғ келтирилади. Аҳолига эса уни етиштириш қолади, холос. Юқорида тилга олганимиз Нуриддин ака ва Маҳбуба ая Холиқулловлар ҳам лидер тадбиркорлардан. Хонадондаги 30 сотихлик иссиқхонада सबзавотлардан ташқари мавсумий гул кўчатлари тайёрланади. – Томорқа меҳнати осон эмас, аммо пешона тери билан ҳалол-покиза ишланса, ер билан "тиллашилса", албатта, ер ҳам деҳқонни қуруқ қолдирмайди, – дейди Нуриддин

аёлимга кредит ажратиб, маҳаллада кўчма бутка очиб берганига қизиқиб, қайтиб келдим. Ҳозирда тез тайёр бўладиган таомлар, яъни фаст-фуд тайёрлаймиз. Етказиб бериш хизматини йўлга қўйиш учун субсидия асосида скутер олиб беришди. Ишлар бир маромада кетяпти. Маълум муддат кўчма дўкунда сотган бўлсак, айни дамда ижарага кичик тамадихона олдик. Насиб қилса ишни янада кенгайтириш ниятидаман. Ҳа, бугун маҳаллада иш қайнайдми. Томорқа юмушлари қизгин паллага кирган. Азалдан деҳқончиликнинг ҳадисини олган маҳалладолар бугунги кунда ҳам томорқадан мўмай даромад олиш йўлида тинмай ишланмоқдалар, юқори ҳосил олиб, эл дастурхонини सबзавот билан мўл-кўл қилиш йўлида сийқидилдан тер тўқмоқдалар.

Маҳалладаги истаган хонадонингизга киргансиз меҳнат қилаётган ёш қарини кўрасиз, бу эса уларнинг томорқа ҳақиқий ҳазина эканини англаб етишганидан дарак беради. Ҳудудда мигрантларни орта қайтаришга, уларга керакли шароитларни яратиш бўйича ҳам натижаларга эришмоқдалар. Ҳозирда 42 мигрантдан 2 нафарининг қайтишига эришилди ва улар ўзларига муносиб иш билан таъминланди. Санжар Иминжанов шулардан бири. – Россия давлатига тез-тез бориб ишлаб келардим, – дейди Санжар Иминжанов. – Мусофир учун ҳеч қачон осон бўлмаган, менда ҳам шундай. Бир томондан оила соғинчи, бир томондан тизим иш вақти. Дам олишсиз ишлардик. Ҳоқим ёрдамчиси Олим ака

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)



аёлимга кредит ажратиб, маҳаллада кўчма бутка очиб берганига қизиқиб, қайтиб келдим. Ҳозирда тез тайёр бўладиган таомлар, яъни фаст-фуд тайёрлаймиз. Етказиб бериш хизматини йўлга қўйиш учун субсидия асосида скутер олиб беришди. Ишлар бир маромада кетяпти. Маълум муддат кўчма дўкунда сотган бўлсак, айни дамда ижарага кичик тамадихона олдик. Насиб қилса ишни янада кенгайтириш ниятидаман. Ҳа, бугун маҳаллада иш қайнайдми. Томорқа юмушлари қизгин паллага кирган. Азалдан деҳқончиликнинг ҳадисини олган маҳалладолар бугунги кунда ҳам томорқадан мўмай даромад олиш йўлида тинмай ишланмоқдалар, юқори ҳосил олиб, эл дастурхонини सबзавот билан мўл-кўл қилиш йўлида сийқидилдан тер тўқмоқдалар.

Ҳа, бугун маҳаллада иш қайнайдми. Томорқа юмушлари қизгин паллага кирган. Азалдан деҳқончиликнинг ҳадисини олган маҳалладолар бугунги кунда ҳам томорқадан мўмай даромад олиш йўлида тинмай ишланмоқдалар, юқори ҳосил олиб, эл дастурхонини सबзавот билан мўл-кўл қилиш йўлида сийқидилдан тер тўқмоқдалар.

**Нозима РАСУЛОВА,** "Тошкент ҳақиқати" мухбири *Жалолиддин ЭСОНОВ олган суратлар*

# "Маърифат улашиб" лойиҳаси Нурафшонда

Маърифат – кишиларнинг онгини, билимини, маданиятини оширишга қаратилган таълим-тарбия. У табиат, жамият ва инсон моҳияти ҳақидаги турли билимлар, маълумотлар маъмуасини ҳам билдиради. Жамият қамолоти, тараққиётнинг мустақкам заминини ҳам маънавият ва маърифатдир. "Тарихдан маълум, Ватан ва халқ тақдирини нисбатан таҳдидлар қучайган вазиятда айнан миллат фидойилари – уйғоқ қалби зиёлилар, шоир ва адиблар, санъат намояндалари, маънавият ва маърифат соҳаси

род Дўст иштирок этди. Меҳмонлар филиалдаги шарт-шароитлар ҳамда имкониятлар билан яқиндан танишди.

Лойиҳа доирасидаги тадбирлар деб очаси "Мақтаб-Маърифат-Ренессанс" шiori остида Нурафшон шаҳридаги 57, 10-умумтаълим мактабларида ўтди. Мактабдаги тадбирларда ота-онани эъозлаш, кадрлаш, Ватанга фидойи фарзанд бўлиш учун китоб ўқиш ва замонавий билимларни эгаллаш лозимлиги таъкидланиб, ватанпарварликни



ходимлари жасорат билан майдонга чиққан. Мамлакатимиз ўз тараққиётининг янги босқичига кираётган ҳозирги пайтда бизга жадид боболаримиз каби ғарб илм-фан ютуқлари билан бирга, миллий қадриятлар руҳида тарбия топган етук кадрлар сув билан ҳаводек зарур, деб таъкидлаган эди давлатимиз раҳбари. Ушбу вазифалар ижросини таъминлаш борасида ҳам тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Эзгу ғояларни жамият аъзолари, ёшлари онгига сингдирилиши катта куч ва аҳамият касб этади. Шунинг учун ҳам, зиёлилар бир тан-у бир жон бўлиб, келажакимиз истиқболи бўлган ёшларни маънавий баркамол қилиб тарбиялаш жараёнида ҳамфироқликда тарғибот ишларини олиб бормоқда.

Университетнинг Нурафшон филиали кутубхонасида "Ижодкор ёшлар" клуби аъзолари билан давра суҳбати бўлди. Таниқли ижодкорларимиз ишланувчан талабаларнинг ижодлари билан қизиқилди, шеърларини тингладик. Шеърини ошуфта талаба-ёшларга ижодкорлар томонидан керакли тавсиялар берилди. Қизгин савол-жавоб мушоирага уланди. Тадбирда ижодкорлар юртимизда амалга оширилаётган ислохотлар ҳусусида ҳам фикр билдиришди. Шундан сўнг меҳмонлар тадбир иштирокчилари – маҳалла фаоллари, миллий-маданий марказлар раҳбарлари ҳамроҳлигида "Яшил макон" лойиҳаси доирасида филиал боғига эзгу ниётлар билан ниҳоллар экишди.

Унда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзолари, таниқли ижодкорлар – "Халқ сўзи" газетаси бош муҳаррири ўринбосари, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист Шухрат Жабборов, Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети кафедраси мудири, Ўзбекистон халқ таълими аълоҳиси Баҳодир Каримов ҳамда истеъдодли ижодкор Дилму-

**Б. БОБОЁРОВ,** Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги ТАТУ Нурафшон филиали директорининг Ёшлар масалалари ва маънавий-маърифий ишлар бўйича биринчи ўринбосари, доцент

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

# "Маҳалла-депутат-сенатор" ҳамкорлиги



**Отбахан АНОРОВ,** Халқ депутатлари вилоят кенгаши котибият мудири

"Маҳалла еттилиги" аҳоли муаммоларини маҳалланинг ўзида ҳал этиш имконини бермоқда. Илгари аҳолининг муаммосини ҳал қила оладиган ваколатга эга бирон-бир одам бўлмаган. Маҳаллада ҳозирда ҳоким ёрдамчиси, ёшлар етакчиси, хотин-қизлар фаоли, профилактика инспектори, ижтимоий ҳимоя учун масъул ва солиқ ходимидан иборат кучли жамоа шаклланди. Уларнинг фаолиятини мувофиқлаштирадиган, бирдамлигини таъминлайдиган маҳалла фуқаролар йиғини раиси ҳақиқий маънода маҳалланинг "ҳокими"га айланди десак, муболага бўлмайди.

Давлатимиз томонидан маҳалла институтига мана шундай кучли ваколат ва имкониятлар берилдики, энди бу имкониятлардан ўз вақтида ҳақиқий халқ манфаати йўлида фойдаланилишини таъминлаш учун маҳалла ходимларини ҳам қўллаб-қувватлаш, "Маҳалла еттилиги" билан депутатлар ўртасида кучли ҳамкорликни таъминлаш талаб этилади. Олий Мажлис Сенати Кенгашининг "Маҳаллалардаги муаммоларни ҳал этишда Халқ депутатлари маҳаллий

Кенгаши депутатлари ва сенаторларнинг "Маҳалла еттилиги" билан ўзаро ҳамкорлигини йўлга қўйиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори вакиллик органлари ва "Маҳалла еттилиги" ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик йўналишларини аниқ белгилаб берди. Мазкур қарор асосида соҳада белгиланган вазифаларни самарали амалга оширишда "Маҳалла еттилиги"га кўмаклашиш, маҳаллаларда қабул қилинаётган қарорларнинг ҳаққоний ва асослигини таъминлашга

ларнинг фаолиятига баҳо бериш, шунингдек, Маҳалла уюшмаси туман (шаҳар) бўлими раҳбарининг Маҳалланинг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал этиш жамғармаси даромадлари ва ҳаражатлари ижроси тўғрисидаги ҳисоботини эшитиш тавсия этилган. Шунингдек, сенаторлар мазкур қарор билан ҳудудларга бириктирилган бўлиб, улар ҳар ойда ўзларига бириктирилган ҳудудга чиққан ҳолда қарорда белгиланган вазифаларнинг сифатли ташкил этилишида маҳаллий Кенгаш депутатларига амалий ёрдам кўрсатиб борадилар. Бир сўз билан айтганда, ушбу қарор "Маҳалла-депутат-сенатор" ҳамкорлигининг самарали-тизимини яратиши берди.



Долзарб мавзу

**Замондошимиз – оилавий** Тошкент шаҳри ва вилояти **уларнинг ечимлари ёритилган**  
**психолог Шоира Исакова 1974** раҳбари бўлган. Шунингдек, ои- **"Психолог китоби" муаллифи.**  
**йилда Қибрай туманида туғил-** **лавий, маиший зўравонликка** **Қуйида психолог билан суҳба-**  
**ган. Кўп йиллар Ўзбекистон** **учраган аёлларнинг индивиду-** **тимизни эътиборингизга ҳаво-**  
**психологлар ассоциациясининг** **ал психологик хусусиятлари ва** **ла этамиз.**



келишмовчиликлар болани тажовузкор қилиб, ота-онасини ёмон кўриб қолишига сабаб бўлади. Ота-онасига ёмон муносабатда бўлиш кўпинча ўсимлик вақтига тўғри келади. Бундай ҳолатларда нафақат болалар, балки ота-оналар билан ҳам ишлаб, уларни муаммага бошқа ракурсдан қарашга ўргатамиз.

**– Негадир ўз чиқишларингизда қизларни чиройли йигитларга турмушга чиқишни ёқламадингиз. Бунга асос борми?**

– Амалётда кузатаман, чиройли йигитлар ўзларига кўп эътибор беради. Айрим ҳолларда улар орасида хотинбозлик ҳолати кўп кузатилган. Улар "Мен чиройлиман, сен кетсанг, бошқа хотин топилади" деган ички ишонч билан яшайдилар. Аёлга паст назар билан қарашни оналар болалик пайтидан шакллантиради. "Болам чиройлисан", "сенга қизларнинг суқи кирди", "сен хотинсиз қолмайсан, қиз топилади" деган нотўғри тушунчалар билан. Аслида таҳлил қилсангиз, ўша чиройли йигит мактабда яхши ўқи-маган, бирор хунарнинг бошини тутмаган, оила, рўзгор ҳатто болалари ҳақида ўйламайдиган бўлиб чиқади, бу – факт.

**– Аёлларнинг энг катта муаммоси сизнингча нимада?**

– Хотин-қизларимизнинг энг катта хатоси аёл бўлиб аёллигини хис қилмаслигида. Баъзи жиндосларимиз эркаклик юкни ўз гарданига аллақачон ортиб олган. Уларнинг юриш-туриши, ўзини ташқида ибор пардалари кўтарилиб улгуради. Бир сўз билан айтганда, жамиятимиз аёлликка тайёрлайдиган механизмга эга эмас, аёл ва эркак ўртасидаги рақобат аёлларни бахтсиз қилиб бораверади. Қизларни оилавий ҳаётга етарли даражада тайёрлаймиз, афсуски, йигитларни эса йўқ. Эркак киши бировнинг боласини келин қилиб олиб келгандан кейин жуда катта масъулиятни, мажбуриятни бўйинига олиши керак, аммо кўп ҳолларда унинг вазифасини ота-оналар бажаришига тўғри келяпти. Шунинг учун ҳам ёшлар ўртасида ажрим ниҳоятда кўп. Улар бир-бири билан келишолмайди, яшаб кетолмайди. Ёшларнинг оилага маънан, руҳан, жисмонан ва иқтисодий жиҳатдан тайёрланмаслигини катта хато деб биламан.

**"Тошкент ҳақиқати" мухбири Нигора УРОЛОВА суҳбатлашди**

**– Сўзимиз аввалида соҳага кириб келишимизга туртки бўлган омиллар ҳақида гапириб берсангиз. Шунингдек, нима учун бугун психологларнинг энг кўп мижозлари аёллардан иборат?**

– Психология кенг қамровли фан. Психологик муаммоларни ўз вақтида англаб, қачондир кўпчилик психолог хизматида муҳтож бўлишини бундан 17 йил аввал ҳис қилганман. Том маънода шу соҳанинг фидойиси бўлиш учун Украина, Москва, Санкт-Петербургдаги психология мактабларини тамомладим. Масалан, оила психологиясини ўзи катта бир олам. Болалар психологиясини ҳам алоҳида ўқишимга тўғри келган. Шунинг учун, дефектологияда ўқиб, мазкур йўналишда ҳам иш олиб бораётганман. Психология марказини ташкил этганмиз. Асосий тренингларимиз аёлларга ўтилади. Биласизми, аёл оила бошқарувчиси эмас, бироқ оилани тартибга келтирувчи муҳим жиҳатларни гарданига олувчидир. Шахсан ўзим ҳаёт дарсини оиладан олганман. Балки мавриди эмасдир, аммо шу соҳага кириб келишим, олдиндаги тўсиқларни енгиб ўтишимда бир воқеа катта сабоқ бўлган. Отам ички ишлар ходими эди. У кишини тўхмат билан қамадилар. Ушанда 8 ёшда эдим. Отамнинг судида ўзимнинг улғайганимни англаганман. 5-6 йиллик мuddат мени катта одамга айлантди. Оилада уч фарзандни моддий таъминлаш учун раҳматли онам "почтальон" бўлиб ишга кирди. Ҳамма газета ва журналлар бизнинг уйга келарди. Тушунсам-тушунмасам, уларни ўқиб чиқардим. Таъминотимизда етишмовчиликлар жуда кўп бўлган. Ҳаттоки мактабдан бериладиган либосларни кийганимиз. Уша чоғлар волидамнинг матонатли, сабр-қаноати катта сабоқ бўлган. Яна бир воқеа. Отам раҳматли кулошимизга қизлар ўқиши оераклиги, китоб ўқиб маънавий тўйиниши, келажакда қоқилмаслиги учун

бугундан ҳаётини режалаштириши лозимлигини сингдирган. Кўпчилик соҳамга дахлдор саволлар берганда ёки психолог қачон ва қайси вақтда керак деган гоъни илгари сурганда мана шу ибратомуз гапларни ёдимга оламан. Билинги, ҳар бир ота-она қиз

**– Охириги вақтларда оилада эркакнинг ўрни йўқолиб бораётгандай. Бу жараён қачон шаклланиб улгурди?**

– Бугун ўғил болалар тарбиясида кўп аҳамият беришимизга тўғри келяпти. Яъни жамиятда эркакларнинг ҳамиятига тегадиган ёки

фикрлар эркакни ўз-ўзидан оиладан кетилиб кетишига сабабчи бўлиб қолмаётми? Яна бир гап. Эркак оиласида хотиржамлик, ҳаловат топишини ўйлаб, ўғил болаларни шахс сифатида баъзи бир жиҳатларига эътибор берамиз. Шу сабаб, оналар ўғил бола тарбиясида ёндашув бошқача бўлиши

# Аёл қадрланган жамият буюк ишларга қодир бўлади



фарзандини меҳр билан улғайтирсан, эртага шу аёл оиласи ва жамиятда ўз ўрнига эга бўлади. Ўзига нисбатан ишончи бўлмаган аёлнинг баҳоси доим пасайиб боради. Шундай кезде уни атрофда кўллаб-қувватлашларига муҳтожлик сезиб, ўзини йўқотади. Яъни саросимага тушиб қолади, бораётган йулидан чалғийди. Бу пайтда, албатта, унга психолог керак бўлади. Бу ҳолат ҳаттоки, ўтиш давридаги 8-10 ёшлилар орасида ҳам кузатилади. Шунинг учун, "Қизлар академияси" лойиҳасини ташкил этдик.

ориятини қўзғатадиган масалларга атрофчи ёндашиш керак. Оилада эркакнинг роли муҳим. Шундай экан, биз оналар мана шу жамият, оила, турмуш ўртоғи учун кўргон бўла оладиган, фарзандлари учун идеал ота бўладиган эркакларни тарбиялашимиз шарт. Биласизми, халқ онгига бир фикр муҳрланиб қолган: "эркак кучаники", "у кучаники одами". Аслида ҳам шунамамикин?

**– Балки "эркак оиласиники", у "фарзандлариники", у "уйиники", деган фикрни айтишимиз муҳим эмасми? Мана шу биз айтётган**

кераклигини унутади. Шунингдек, менталитетимизда яна бир тушунча бор: "ўғил бола кўргоним, қариганда боқувчим", деган. Буни инкор қилмаймиз. Қиз фарзандга бошқачароқ муносабат қилинади: "Бировнинг хасми", "бировники" деб. Ўғил болага нисбатан "меники" деган фикрларни оналар айтишяпти. Ўғил бола туғилса, оталар хурсанд бўлишяпти. Бироқ ўғил болани жиддий тарбиялашни хаёлларига келтиришмаяпти. Кичик ёшдан ўғил болаларни шахс сифатида тарбияламасак, кўп нарса йўқоатамиз. Ўғил бола қандай бўлиши керак, унинг вазифалари қандай каби фикрларни болалигидан онгига сингдириб бориш орқали у ўзини кучли жинс вакили эканини хис қилади. Кўп ҳолатларда телефонга қарамлик, дорига мутелик, интернетга мукасидан кетиш, ижтимоий тармоқ ўйинларига тобе бўлиб, ота-онасини ташвишга солаётганлар ҳам йигитлар эканини кўрамиз.

ди. Баъзан оиланинг дарс кетишига арзимайдиган муаммолар сабаб бўлмоқда. Аёл билан авваламбор жанжал келтириб чиқарувчи муаммо негизи муҳокама қилинади. Кўпинча қабулимга келаятган аёллар ажримни сўнгги чора деб билади. Бироқ муаммо ўрганилгандан сўнг оила қайта тикланади. Охириги икки йилда оилавий можарони келтириб чиқараётган иқтисодий муаммоларни бартараф этишда 130 нафар аёлни тadbиркорликка жалб қилдик.

**– Бола оилавий жанжаллар сабаб тушкун аҳволга тушиб қолиши кўп кузатилади. Курсингизга шундай ҳолат билан мурожаат этишганими?**

– Ота-она жанжалидан болалар журъатсиз, кўроқ ва ичидигани ташқарига чиқара олмайдиган бир сўз билан айтганда, агрессив бўлиб қолади. Бу ҳолат болалар руҳиятига салбий таъсир қилади. Яъни синфдошлари билан ёмон муомалада бўлади, устозлари билан келишолмайди, ён-атрофдагилар билан муносабатлар кескинлашади. Эр-хотин ўртасидаги

Нуктаи назар

## ПЕДАГОГИК ОДОБ – ЎҚИТУВЧИНИНГ ЮКСАК КАСБИЙ ФАЗИЛАТИ

**Касбга садоқатлик, ўз касбини севиш ўқитувчини бошқа касб эгаларидан ажратиб туради. Чунки мактабда таълим-тарбия ишининг юқори савияда олиб борилиши фақат ўқитувчига, унинг касбий тайёргарлигига боғлиқ.**

Шу сабаб у ўзи ўқитаётган фанни чуқур билиши, методикасини ўзлаштириб олган бўлиши зарур. Шунингдек, ўқитувчининг маданияти, унинг кучли билими таълим-тарбия ишларининг муваффақиятли кечишига ёрдам беради. Педагогик одоб эса ўқитувчининг юксак касбий фазилатидандир. У ўқитувчининг саводли бўлиши, ўз ҳиссиётини идора қила олиши, ўқувчилардаги истеъдодни англаб, турли соҳалардаги имкониятларини аниқлашда ёрдам берадиган фазилат ҳисобланади.

Фанда эса ушбу масалаларни "Деонтология" ўрганади ва ўргатади. "Деонтология сўзи "деонтос" – шарт, бурч, "логос" – таълимот, ўрганиш деган маъноларни англатади, этика фанининг бир қисми ҳисобланади. Бу инглиз тилидаги Ж. Бенгам томонидан илмий изоҳлаб берилган бўлиб, кейинчалик немис файласуфи И. Кант томонидан ривожлантирилди. У олим сифатида деонтологияни мажбурият этикаси деб таърифлайди.

Ҳа, хозирги даврда ҳар бир мутахассис, у ўқитувчи бўладими, ё бир қувувчи ёки тиббиёт ходими ўз бурчига, мажбуриятига, одобига эга бўлиши керак. Этика, одоб, фуқаролик бурчини англаш айниқса, ўқитувчи учун асосий сифатлардан биридир. Одоб-ахлоқ ҳақида сўз юритар эканмиз, биз – ўқитувчи мураббийлар олдида ёшларга таълим-тарбия беришдек

масъулиятли вазифа юклатилганини чуқур хис қиламиз. Аввало, ўқитувчининг ўзи ҳам касбий, ҳам инсоний фазилатларга эга бўлмоғи ҳамда ёшларга типик намуна бўлиши таълим-тарбия жараёнида катта аҳамият касб этади.

Ўқитувчи деярли ҳар куни ўқувчилар билан учрашади, савол-жавоб қилади, уларнинг яхши ишларини маъқуллайди, билимини баҳолайди, ноқўя хатти-ҳаракатлари учун танбەҳ беради. Албатта, ўқитувчининг фикри, мулоҳазаларида нисбийлик, субъективлик аломатлари мавжуд. Лекин у ҳамма ўқувчиларга нисбатан хосис яхшилик қилишга интилувчи, адолатли киши эканига барчанинг ишончи комил бўлмоғи даркор. Синфда ўқитувчи яхши кўрадиган, ёмон кўрадиган, ўқувчилар бор деган таассурот туғилмаслиги керак.

Билимдонлик, ҳалоллик, ростгўйлик ҳамда ўқувчилар ва уларнинг ота-оналари ўртасидаги муомала одоби ҳам ўқитувчининг муҳим ахлоқий фазилати ва маънавий бойлиги ҳисобланади. Олий ўқув юртини битириб, муаллимлик фаолиятини бошлаган киши одоби, одиллиги билан ижобий-ахлоқий намуна кўрсатиши зарурлигини ёддан чиқармаслиги лозим.

**Ўлмасқон АЛИМОВ,**  
**Алфраганус университетини**  
**магистранти**

Узун бўйли, қотмадан келган, соқол-мўйлаби қиртишлаб олинган, эгнида анча охори тўкилган яктак-иштон, оёғида пошнаси эзилиб кетган эски туфли, епкасига юпка матадан тикилган тўрва халатлари олд-орқа қилиб ташлаб олган, ёши етмишларга бориб қолган, юзи офтоб жазирамасидан бўртиб қорайиб кетган мўйсафид навбатдаги муҳташам очиқ дарвоза олдида етганда овозлашгани ҳам унутиб ичкарига тикилганча туриб қолди.

Кўчага нишоб қилиб бостирилган гулдор плиталар кенг ва узун йўлакни маҳобатли қилиб кўрсатар, ҳовли ичкарисидидаги ҳаддан зиёд нақшинкор қилиб ишланган икки қаватли бино эса усталар ақл закоси маҳсули сифатида атрофга ажиб кўрк бағишлаб турарди.

Ҳовлининг йўлакка туташ қисмига болалар чўмилидиган каттагина елим ҳовуз ўрнатилган бўлиб, унда ҳаддан ошиқ тўлдирилган сув жилоланиб турар, атрофида катта-кичик болакайлар бир-бирлари билан қувлашиб, сувга тушиб таралдудини кўришарди. Саратоннинг айна пешин пайти бўлгани сабабли мўйсафид озги қуриб, чанқабётганини баралла сезди. Қани бир қултум сув бўлса, оғзини ҳўллаб олган бўларди.

Шу лаҳзада қутилмаган ҳодиса юз берди.

Чамаси тўрт-беш ёшдаги икки болакай ўзларидан анча кичик укаларини оёқ-қўлидан кўтарганча ҳовузга тушириб юборишди. Сўнг кўрқиб кетишди-ми, ўзларини четга олиб яширинишди. Мўйсафид қандай тезликда югуриб ҳовуз олдида борганини билмай қолди. Тиниқ сув остида типирчилаётган болачани икки қўли билан сувдан чиқариб олди.

– Бу болакай сенинг укангми?  
– Йўқ. Қўшнимиз Бобуржон. Чўмилгани чиққанди.

– Ҳали кичкина-ку, қандай чўмилиди?  
Болакайлар билмасак, деб ёлқаларини қисийди.

– Ундай бўлса бор, тезда аянгни чақир!  
Болалардан катта-роғи чопқиллаганча нақшинкор бино томон кет-

назоратсиз бўлгач, яна чўкиши мумкин. Сувга пишилган болача "ҳамон" кўзларини ишқалаб овоз чиқариб йиғлар, уни юпатувчи бир меҳрибон кимса йўқ эди.

Мўйсафид ниҳоят бир қарорга келди. Хавф-хатарнинг энг одил чорасини кўллади. Белбоғига осиллик қиндаги узун тигли пичоқни олиб елим ҳовузнинг ташқари йўлак-

Мўйсафид муҳташам дарвозадан чиқиб кетаркан аёл кишининг шангиллаган овози эшитилди:  
– Ҳой, аҳмоқ зумрашлар, бассейнни нима қилдиларини? Ҳамма ёқни сув босиб кетибди-ку! Ҳали оталарнинг келса болларингда ёнғоқ қақади!  
– Қўшнимиз Бобуржон чўкиб кетгани, уни бир амаки сувдан чиқарди, ая!  
– Нима деялсан, кўшини

## Девона

(Ҳикоя)



Бошини пастлатиб бир икки силкитди. Икки ярим ёшдаги жуссаси кичик болакайнинг оғзидан, бурнидан сув тушгач, бирдан нафас олиб ўқичди. Сўнг ўзини бегона эркак қўлида кўриб бор овози билан "ая"лаб йиғлай бошлади. Мўйсафид уни юмшоқ суя-ячқилки курсига оҳиста ўтказди. Халтасига қўл тикиб иккита қоғоз қанд билан сийламоқчи бўлди. Аммо у қандаг назар ҳам солмай яна баттар товушда йиғлайверди. Бир чеккада ҳамон томошабин бўлиб турган буйдорроқ боладан хавотирга тушиб сўради:

– Уйда катта одам борми?  
– Бор. Аям тепадаги залда кино кўряпти. Чақирсақ, тушмаяпти. Ўзларинг чўмилаверинглар, деяпти.

ди. Ҳаял ўтмай иккинчи қаватдаги деразадан кичқирди:

– Аям чикмас экан. Кино ҳали тугамабди. Қария танг аҳволда қолди. Нима қилиш керак? Шундай ташлаб кетиб бўлмайди. Фожа юз бериши аниқ. Булар

бола тирикми ўзи? – аёлнинг хавотирли чинқириғи кўчага эшитилди.

– Тирик, – деди болалардан бири андармон бўлиб. – Мана, йиғлаб ўтирибди. Лекин, лекин... ҳалиги амаки-чи, пичоғи билан ҳовузимизни кесиб ташлади. Кейин чўкиб кетди...

– Вой кесмай икки қўли акашак бўлиб қолсин! Таниб олдиларингми башарасини? Қажоқ кетди, ўша чол? Нима ҳаққи бор экан бизнинг ҳовлига киришга!

Битта нон ёки арзимас чой-чақа умидида кўчага чиққан мўйсафид худдики, бир халта тилло топиб олган боладек мамнун ҳолатда кетиб борарди.

У девона эди...  
**Собиржон ИНОМОВ,**  
**Ўзбекистон Ёзувчилар**  
**уюшмаси аъзоси**





# Ўзбекистонни кутиб ол, Париж!

Футбол бўйича Ўзбекистон Олимпия терма жамоаси жорий йилда ўтказилган "Париж-2024" ёзги Олимпиада ўйинларига йўлланмани қўлга киритди. Бу ўзбек спорти тарихидаги жамоавий йўналишларда жаҳон даражасидаги турнирда қўлга киритилган илк лицензия сифатида тарих зарварақларидан жой олди. Хўш, вакилларимиз мазкур натижани қандай қўлга киритишди? Қуйида уларнинг шу ергача босиб ўтган йўлини таҳлил қиламиз.

## ТАСОДИФМИ ЁКИ МАШАҚҚАТ МАҲСУЛИ?

Мазкур жамоа бугун ташкил этилмаган. Аслида, жамоавий спорт турларида Олимпиада йўлланмасини қўлга киритиш "миссия"си 2021 йилда давлатимиз раҳбари томонидан топширилган. Ушунда "Токио-2020" ёзги Олимпиада ўйинлари сарҳисобига бағишланган йиғилишда Президентимиз: "Олимпиада ўйинларида жамоавий спорт турлари бўйича сезиларли натижага эриша олмаганимизни очик тан олишимиз керак. Бу ҳол мутасадди раҳбарларни жиддий ўйлантириши зарур. Агар кимдир, бундан кейин ҳам олдинги Олимпиада ўйинларида бўлгани каби, фақат яққураш спорт турлари ҳисобидан ютуқларга эришамиз, деб ўйласа, адашади. Бўлғуси Олимпиада олдиндан футбол, баскетбол, гандбол, чим устида хоккей, регби, волейбол сингари жамоавий спорт турлари бўйича ҳам йўлланмаларни қўлга киритиш асосий мақсадимиз бўлиши зарур", - дея таъкидлаб, махсус дастур ишлаб чиқиш бўйича мутасаддиларга топшириқ берган эди.

Шундан сўнг, барча жамоавий спорт турларига, жумладан, сўнгги йилларда "Миллиардлар ўйини"га айланган футболга эътибор кучайди. Ушбу спорт турида ўтказилган лицензион турнирларда ҳар гал омадсизликка учраб, томошабинлар қаторида қолиб кетаётган футболчиларимизнинг ёзги Олимпиада ўйинлари йўлланмасига эга қилиши учун махсус дастур ишлаб чиқилди. Ушбу ҳужжатга биноан "Олимпик" футбол клуби ташкил этилди. Жамоага 2001 йилгача туртилган ёшлар саралаб олинди. Мураббий сифатида эса ўзбек футбол юдузларидан бири Темур Кападзе тайинланди. Жамоа ўша мавсумда Про лигада иштирок этиб, 1-ўринни қўлга киритди. Иқтидорли ёшлардан ташкил топган жамоа Суперлигада ўтиш ўйинида Қашқадарёнинг "Ишъал" клубини мағлуб этиб, мухлис мутахассисларни хайратда қолдирган. Улар Ўзбекистон Суперлигасида ҳам баъзиларга ўхшаб шунчаки иштирок этишмади, рақобатбардош жамоа сифатида шаклланди, грандларга яхшигина "бошоғрик" бўла олди. Бугунги Олимпиада терма жамоамизнинг асосий ўзагини ана шу клуб вакиллари ва тарбияланувчилари ташкил этади. Руслан Жиянов, Са-

## ТОҚҚА ЧИҚМАГАНГА ДЎЛОНА ҚАЙДА?

Улкан мақсадда ташкил этилган ёш терма жамоа "Париж-2024" йўлида қатор мусобақаларни "қурбон" қилди. Улардан дастлабкиси 2022 йил юртимизда ўтган 23 ёшгача бўлганлар ўртасида Осие кубоғи бўлган. Ушунда терма жамоамиз 21 ёшгача бўлган футболчилар билан иштирок этиб, финалга қадар етиб борган. Ҳал қилувчи баҳсда эса Саудия Арабистонига 0:2 ҳисобида имкониятни бой берган.

Бир йилдан сўнг Ўзбекистон мезонлиқ қилган 20 ёшгача бўлган футболчилар ўртасида Осие кубоғида ҳамюртларимиз зафар қучган, ўша таркибдан Аббосбек Файзуллаев, Умарали Раҳмоналиев, Абдуқодир Хусановлар Олимпия жамоасига жалб қилинган эди.

Жамоа 2023 йилнинг кузида Хитойда ўтган XIX Осие ўйинларида яна ўша ёшлар билан иштирок этади. Фарқи, бу гал хорижда тўп тепаётган иқтидор соҳибларимиз термага ёрдам бера олмадик. Шунда ҳам улар ярим финалга қадар етиб борганди. Финал оstonасида Жанубий Корея томонидан тўхтатилган жамоамиз якунда 3-ўринни қўлга киритганди.

Жамоа аъзолари ҳам шу мақсад йўлида қатор хориж клублари таклифини рад этди. Хусусан, Жасур Жалолдинов ўз интервюларидан бирида қатор араб ва бошқа хорижий клублар таклиф қилган мўмайгина маблағли шартномаларни рад қилганини, бир нечта жамоадошлари билан ҳам шу ҳол кузатилганини, муҳими, Олимпия ўйинларида пухта тайёргарлик кўриш эканини таъкидлаганди. Бугун ана шу бой берилган "қурбон"ликлар натижасини кўраёмиз.

## ҚАТАРДАН ПАРИЖГА

Ниҳоят, барча орзиқиб кутган, ўртага Парижда ўтадиган ёзги Олимпиада ўйинлари йўлланмаси тикчилган мусобақа - 23 ёшгача бўлган терма жамоалар иштирок этаётган Осие кубоғига етиб келдик. Қатар пойтахти Доҳада ўтаётган мазкур турнирда вакилларимиз ҳар томонлама шакланган жамоа билан қатнашмоқда. Тарихга назар солсак, бунга қадар ҳеч бир Олимпия жамоамиз таркибидан бунчалик рақобат кучли бўлмаганига, бу даражада кўп легионерлар иштирок этмаганига амин бўламиз. 23 ёшгача бўлган жамоанинг аксар аъзолари бош терманинг ҳам ажралмас бўлагига айланган улгурган. Майдонда бир-бирини тушуниб ҳаракат қилиши ҳам аъло даражада. Ушбу омилар ҳисобида кўплаб мутахассислар уларни чемпионлик учун асосий фаворит дея таърифлашганди. Ҳамюртларимиз билдирилган эътирофлар бежиз эмаслигини амалда ҳам намойиш қилишди. Ёш чарм тўп усталаримиз гуруҳ босқичида Малайзия, Қувейт, Вьетнам терма жамоаларини мағлуб этиб, ўз дарвозаси дахлсизлигини сақлаган ҳолда умумий 10:0 натижа билан чорак финалга йўл олишди. Бу

терма жамоамиз 2:0 ҳисобида зафар қучиб, ярим финалга йўл олди. Голлардан бирига муаллифлик қилган Хусайн Норчаев уни нишонлашда ўзбек дупписини бошига кийиб олгани қатор хорижий ОАВни безаб берди. Ўша учрашувда футболчиларимиз ҳамма нарса пулга боғлиқ эмаслигини ишботлаб беришди.

Ярим финалда эса вакилларимиз-

ди. Бугун шу "қора аъна"га барҳам берилди. Тарихий натижа қайд этган вакилларимизда уни янгилаш имконияти мавжуд. Ҳар ҳолда иқтидорли футболчилардан иборат таркиб, кучли рақобат, бир-бирини жуда тез тушуниб ҳаракат қилиш каби мезонлар янада юқори натижа қайд этиш учун етарли. Олимпиаданинг фут-



бол турида 23 ёшдан катта 3 нафар футболчи

га турнирда сенсация қилаётган, ўйин услуби жиҳатдан анчайин тартибли Индонезия терма жамоаси рақиблик қилди. Аслида, кўпчилик бу босқичда Жанубий Корея билан тўқнаш келишимизни тахмин қилган, улардан ҳам Осие ўйинларидаги мағлубият алпамини олишимизни кутганди. Бироқ индонезияликлар уларни эртарақ уйига жўнатиб юборишди. Ўртага

Олимпиада ва финал йўлланмаси тикчилган мазкур қарама-қаршилик кескин ва муросасиз ўтди. Иккала жамоа ҳам 4 йилликнинг нуфузли мусобақасида иштирок этиш учун тинимсиз меҳнат қилишди.

Яқунда техника бобида устун ёшларимиз 2:0 ҳисобида ғалаба қозониб, кўксимизни тоғдек кўтаришди.

## ОЛИМПИАДА НИМА БЕРАДИ?

Ўзбекистон терма жамоаси 1996 йилдан бери мамлакат байроғи остида ёзги Олимпиадада иштирок этаётган бўлса-да, ҳали жамоавий мусобақаларда лицензия ололмаган-

чи жалб қилиш имконияти мавжуд. Бу жамоага қўшимча куч бериши мумкин. Бироқ танлов қилишда мураббийга осон бўлмаслиги аниқ. Осие кубоғи жамоада яққол ажралиб турадиган лидер йўқлигини кўрсатиб берди. Бир жамоа бўлиб ҳаракат қилаётган вакилларимизнинг барчаси исталган вақтда "қўшни" дарвозага хавф тўғдириши, исталган вақтда ҳимояда ҳозир у нозир бўлиши рақибларни эсанкиратиб қўяётгани, киритилган 14 тўпга 10 нафар футболчимиз муаллифлик қилгани сўзимизни тасдиқлаб турибди.

Бундан ташқари, Олимпиада, жаҳон чемпионати каби йирик турнирлар барчанинг диққат марказида бўлади. Унда ўз иқтидорини намойиш қилиб, скаутлар назарига тушганлар кучли чемпионатларга йўл олиши ҳеч гап эмас. Ҳозирга қадар бизда ана шу нарса етишмаётгани. Натижада, Одил Аҳмедов, Сервер Жепаров, Гейнрих, Игнатий Нестеров каби номлар Россия, Жанубий Корейадан нарига ўтмаган. "Париж-2024" Олимпиадасида қандай натижа қайд этилишидан қатъи назар бу футболчиларимиз учун катта фойда бериши аниқ.

**СУХРОБЖОН САДИРОВ,**  
"Тошкент ҳақиқати" муҳбири

**Ўзбекистон ОТЖ ёзги Олимпиада ўйинларига йўлланмани қўлга киритганидан сўнг қатор футбол мутахассислари, журналистлар ижтимоий тармоқлар орқали табрик йўллаб, ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди. Улардан баъзиларини келтириб ўтаемиз.**


**Хайрулла ҲАМИДОВ,**  
журналист:  
- Ҳаммаси бизга қарши бўлган голни бекор қилинишидан сўнг юз берди. Футболда кайфиятнинг таъсири қанчалик муҳим эканлигига яна бир бор амин бўлдим, а? Кападзега олтин авлод тўғри келиб қолди дегандан, ўша авлодга Кападзе тўғри келиб қолди десак, тўғрироқ бўлади. Асли иккиси қолипдек тушган, аммо барибир зўр таркибдан ҳам натижа қилолмаган мураббийлар қанча? Бунақа вазиятда мураббий эффеки юқорига чиқади. Респектимизнинг кўпи Темур Кападзега!



**Даврон ФАЙЗИЕВ,**  
спорт шарҳловчиси:  
- Футболда натижа жуда кўп факторларга боғлиқ бўларкан. Қолаверса, жамоа кучли бўлса ҳаммаси гўё табиий ва осон амалга ошар экан. Шунда йўл олган мусобақада ҳам муносиб қатнаша олишимизга ишонаркансан. Шу бугун вақти соати келган экан. Шукур!



**Нодирхўжа ЙЎЛДОШЕВ,**  
"Championat asia" сайти асосчиси:  
- Тарихий натижага гувоҳ бўлдик. Кападзе учрашув давомида интенсив футболга тайёр футболчиларга таянди. Рақиб ўйиннинг бошидан ҳужумга ўтадиган жамоа эди. Шу боис мураббий хавфли "қуроллари"ни захирада олиб қолиб, иккинчи 45 дақиқалиқда майдонга ташлади. Яқунда ўшалар ўйин тақдирини ҳал қилиб беришди. Бу жамоа, бу мураббий билан Олимпиадада ҳам яхши натижа қайд этишимизга ишонялман. Ғалаба муборак, дўстлар!



**TOSHKENT HAQIQATI**  
**TASHKENTSKAYA PRAVDA**  
Muassis:  
**TOSHKENT VILOYATI HOKIMLIGI**

"Toshkent haqiqati" va "Tashkentskaya pravda" gazetalarini tahrir hay'ati:

- Zoyir MIRZAYEV (tahrir hay'ati raisi)
- Abdusamad NOSIROV
- Umnat MIRZAQULOV
- Hotamjon SAYDAQHMEDOV
- G'afurjon MUHAMEDOV
- Sirojiddin ESHQUVVATOV
- Tohir ARIPOV
- Mahmud TOIR
- Uskenboy ATEMOV
- Abdulla XURSANOV
- Kumush EGAMBERDIYEVA
- Behzod QOBULOV
- Olimjon BEGALIYEV
- Zarifa ERALIYEVA
- Sergey MUTIN

Bosh muharrir:  
**G'ayrat SHERALIYEV**

Qabulxona:  
(55) 520-64-95

Bosh muharrir o'rinbosari:  
(55) 520-04-10

Mas'ul kotib:  
(55) 520-05-10

Bo'lim muharrirlari:  
(55) 520-06-20, (55) 520-04-20

E'lonlar va hisob-kitob bo'limi:  
(55) 520-21-20

e-mail: toshkenthqiqati@uamail.uz

Mas'ul kotib vazifasini bajaruvchi:  
**O'tkir HOSHIKOV**

Navbatchesi:  
**Suhrobjon SADIROV**

Bosishga topshirish vaqti - 21:00.  
Bosishga topshirildi - 19:30

Nashr ko'rsatkichi - 205.  
Buyurtma G-535.

4 983 nusxada chop etildi.  
Hajmi - 2 taboq. Ofset usulida bosildi. Qog'oz bichimi A-2.

**Bahosi kelishilgan narxda.**

Toshkent viloyati Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar boshqarmasida

2011-yil 12-yanvarda  
03-001 raqamida ro'yxatga olingan.

Manzil:  
111500, Nurafshon shahri, Toshkent yo'li ko'chasi, 90.  
Toshkent shahridagi ofisimiz: Bektemir tumani, Ittifoq ko'chasi, 2.

ISSN 2010-9318.

Gazeta "Toshkent haqiqati" tahririyati kompyuter markazida terildi va Tohir Mahmudxo'jayev tomonidan sahifalandi.

Haftaning chorshanba va shanba kunlari chiqadi.

«SHARQ» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida bosildi.  
Korxonada manzili: Toshkent shahri, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.